Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 45 (496) 2021 йил 4 июнь, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари куни кеча Нур-Султон шаҳрида ўтган икки мамлакат Бош вазирлари учрашувининг самарали натижаларини юксак баҳоладилар.

Савдо ва логистика, саноат кооперацияси соҳаларида, замонавий транспорт коммуникациялари ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Президентлар парламентлараро алмашинув кенгайиб бораётгани ҳамда айни кунларда Тошкент шаҳрида Сенат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Етакчилар Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Бундан ташқари, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## ЕР СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ер – умуммиллий бойлик. Кейинги йилларда ушбу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ер ажратиш тартибининг очиқлиги ва шаффофлиги ортиб бормоқда, соҳада бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Бироқ, ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний сотиш ҳолатлари ҳали ҳам кузатилмоқда. Ноқишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби барча учун бир хил ва шаффоф эмас.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги камчиликларни кескин танқид қилиб, ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

– Бугунги кун тартибидаги масала жуда мураккаб. Бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз ижобий натижасини топмаяпти. Ер – халқни боқаётган мулк. Еримизга бўлган муносабатни мутлақо ўзгартиришимиз керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда ер соҳасидаги қонунчилик бўйича мавжуд аҳвол ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлмаган амалиётларни тугатиш ва ерга бўлган ҳуқуқ турларини 6 тадан 3 тага қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Ноқишлоқ ерларни хусусий секторга фақат аукцион орқали сотиш тартиби киритилади. Ноқишлоқ ерлар Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига хусусий мулк қилиб, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерлар эса ижара ҳуқуқи асосида сотилади.

Ҳоким қарори билан нодавлат секторга ер ажратиш ҳамда ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиёти бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тартиби киритилади. Бундай ерлар фуқаро ва ташкилотларга (чет элликлардан ташқари) очиқ танлов асосида берилади. Очиқ танловга ариза қабул қилиш, талабгор ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.

Вилоят ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартириш ваколати Вазирлар Маҳкамасига ва Президентга ўтказилади.

Йиғилишда ер ажратилиши ва ундан фойдаланилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш ва қайтариб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати тўлиқ бекор қилинади. Вилоят ҳокимининг ер муносабатларига доир барча қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Шу билан бирга ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш таклиф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари соҳада қонун устуворлигини таъминлаш шарт эканига яна бир бор урғу бериб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

**ЎзА.**

### Шу куннинг гаплари

Тошкент халқаро аэропортига элтувчи кўприк кенгайтирилади. Узунлиги **650**, эни **30** метр бўлиши мўлжалланган лойиҳа Президентга тақдим қилинди.

Бирлашган Араб Амирликлари Хайрия жамғармасининг гранд маблағлари ҳисобига Нукус шаҳрида она ва бола шифохонаси қурилади. Унга **27 млн** доллар йўналтирилмоқда.

Урганч шаҳрида лойиҳа қиймати **9,2 млрд** сўмлик Хоразм вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси қурилиши бошланди.

Марғилондаги “Милтиқсоз” МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи **3 та** уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига янги бошқарув-сервис компанияси иш бошлади.

Андижоннинг Бўстон туманидаги “Янгиобод” МФЙда **маданият маркази** қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Термиз шаҳрида лойиҳа қиймати **75 млн** долларлик халқаро савдо маркази қурила бошлади.

## Ёшлар масаласи – давр талаби

**Лола ХОЛМАМАТОВА,**
Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти.

**Тошкент архитектура-қурилиш институтида талаба-ёшлар, турли соҳа ходимлари ва профессор-ўқитувчилар иштирокида “Ёшларнинг маънавий-ахлоқий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ҳуқуқбузарлик, экстремизм, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби муаммоларни бартараф этишнинг самарали йўллари” мавзусида профилактик тадбир ўтказилди.**

Дунёнинг сиёсий саҳнаси ҳозирда ғоявий кўриниш касб этди. Бу ўринда инсоннинг қарашлари, ўй-хаёллари, истаклари қайсидир бузғунчи гуруҳнинг таъсирига тортилиши мумкин. Эндиликда ёшларимиз орасида гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, ғайриинсоний ғояларга қарши иммунитет уйғотиш жамиятнинг асосий вазифаси бўлиб турибди.

– Ҳар хил ниқоб остида ғайриинсоний ҳаракатлар қилаётган террорчи ташкилотларнинг қилаётган хунрезликлари ҳамда экстремистик қўлланмалар тарқатиш орқали ёшлар онгини заҳарлаб, ғаразли ниятларини амалга ошираётгани бор гап, – деди Юнусобод тумани ИИБ ходими, подполковник Абқаҳҳор Насриддинов.

– Қўпорувчилик, даҳшат ва қўрқувга солиш натижасида бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабабчи бўлаётган манфур кимсаларнинг қилмишлари ҳақида талаба ва ёшларга тушунтириш бериб боришимиз керак.

Шунингдек, тадбирда туман ИИБ вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспекторлари, мазкур олий ўқув юртининг ёшлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлари ҳамда ён-атрофдаги маҳаллаларнинг раислари, фаоллар иштирок этишди.

### Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 25-моддаси нима ҳақида?

**25-модда.** Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари



**Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертлари:**

- ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш лойиҳалари бўйича комплекс шаҳарсозлик экспертизасида эксперт комиссиялари (эксперт гуруҳлари) таркибида иштирок этишга;
- буюртмачилардан ва ишлаб чиқувчилардан зарур материалларни ҳамда ахборотни сўраш ва олишга;
- шаҳарсозлик фаолиятининг профессионал ихтисослашувига мувофиқ лойиҳаларнинг алоҳида бўлимлари (қисмлари) бўйича экспертизани амалга ошириш, улар бўйича маҳаллий экспертиза хулосаларини тузишга. Айрим бўлимлар (қисмлар) бўйича экспертизанинг локал хулосалари шаҳарсозлик ҳужжатларини яхлит тарзда тасдиқлаш учун асос ҳисобланмайди ва экспертизанинг жамланма хулосасини тузишда фойдаланилади;
- буюртмачи экспертиза хулосасида қайд этилган шартларни (талабларни) бажармаган ҳолларда эксперт ташкилоти томонидан илгари берилган экспертиза хулосасини чақириб олинишини таклиф қилишга ҳақлидир.

**Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертларига қуйидагилар тақиқланади:**

- мазкур эксперт тайёрланишида бевосита ёки билвосита иштирок этган лойиҳалар юзасидан ёхуд эр (хотин) ва (ёки) бошқа яқин қариндошлар иштирокида бажарилган лойиҳалар юзасидан экспертиза ўтказиш;
- шаҳарсозлик фаолиятининг субъектлари билан меҳнатга оид, молиявий жиҳатдан ва (ёки) бошқача тобелик муносабатларида бўлиш.
- Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертлари:
- шаҳарсозлик ҳужжатларининг кўриб чиқилаётган лойиҳалари бўйича давлат сирларининг ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг махфийлигига риоя этиши ҳамда сақланишини таъминлаши;
- ўз касбий малакасини ошириб бориши;
- касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши шарт.

Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Экспертиза сифатсиз ўтказилганлиги ҳоллари аниқланган тақдирда экспертлар ва эксперт ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Экспертлар ва эксперт ташкилотлари ўз фаолиятида шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан мустақилдир. Шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва улар бўйича экспертиза хулосаларини тайёрлаш вақтида ҳеч ким экспертлар ёки эксперт ташкилотлари ишига аралашишга ҳақли эмас.

## ДАСТУРЛАР – фаровонликка асос

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Данғара тумани ҳокимлигида ташкилотларнинг масъул ходимлари ва фаоллардан иборат ишчи гуруҳи “Таптиқсарой” ва “Урганжи” МФЙларида “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан учрашиб, мулоқот ўтказишди. Боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган 9 нафар аёллар оилаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бир нафар боқувчисини йўқотган фуқаронинг хонадони таъмирлаб берилди.**

Ишчи гуруҳ юқоридаги қишлоқларда аҳоли учун яратилган шароитлар билан ҳам танишиб, камчиликларни жойида бартараф қилиш чоралари кўрилди. Жумладан, Таптиқсаройдаги “Юксалиш” кўчасига 160 кВа ли трансформатор ва 75 та таянч устунлар ўрнатилди. Ҳудуддаги 6,5 километр электр тармоғи жорий ва 5 та ТП мукаммал таъмирланди. 2,05 километр янги, замонавий тармоқ СИП кабели тортилди.

Бундан ташқари, Катта қўрғонча кўчасидаги фуқаролар ва транспорт ҳаракатида ноқулайликлар бўлиб турган 800 метр йўлга шағал ётқизилди. “Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ Данғара туман бўлими томонидан 24 та хонадонга суюлтирилган газ ва маиший газ баллонлари етказиб берилди. Туман йўллардан фойдаланиш бўлими томонидан “Истиқбол”, “Бирдамлик”, “Кичик қўрғонча” қишлоғи кўчалари асфальт босишга тайёрланди, пиёдалар йўлаги учун ер ишлари амалга оширилди. Шунингдек, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган А. Жўраев, Г. Эргашева ва Д. Солиеваларнинг хонадонларидаги бинолар таъмирлаб берилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш туман ҳокимлиги ва туман “Сувоқова” бўлимининг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда “Таптиқсарой” МФЙ ҳудудига 5,0 километр Ду-110 ли ва “Урганжи” МФЙ ҳудудига 4,0 километр Ду-110 ли полиэтилен сув қувурлари келтирилди. Бу ишларни бажариш учун махсус техника жалб қилинди. Йилнинг ўтган даврида тумандаги 2 та МФЙнинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш бўйича 8 490,8 миллион сўмлик ишлар бажарилди.



**Суратда:** Каттақўрғон шаҳрида иш бошлаган “Эркатой” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотида.
**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## “Эркатой” болажонларнинг севимли маскани

**Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида иш бошлаган “Эркатой” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти 150 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бериш имконига эга.**

Тадбиркор Жамол Ортиқов томонидан 3 миллиарддан ортиқ маблағ эвазига ташкил этилган муассасада таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Шунингдек, бугунги кун талабига мос тарзда инглиз тили тўгараги ҳам ташкил қилинган.

– Болажонларимиз ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун белгиланган талаблар асосида мукаммал таълим-тарбия беришга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди муассаса раҳбари Ибодат Азизова. – Тарбияланувчиларимизга хорижий тилларни ўргатиш билан бирга, ақлий ривожланишлари учун ментал арифметика тўгарагини ҳам ташкил қилганмиз. Бундан ташқари, болажонларнинг ёшликдан соғлом турмуш тарзига ўргатиш мақсадида бадиий гимнастика, таэквондо, сузиш бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга қўйганмиз.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45 (496) 2021 йил 4 июнь

# Давлатобод – коррупциядан холи ҳудудга айланади

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Порахўрлик, давлат хазинасига кўз олайтириш каби ҳолатларни тўла бартараф этмай туриб, барча соҳада ривожланиш ҳақида сўз юритмаса ҳам бўлади.**

Шу жиҳатдан қараганда куни кеча Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида "Коррупциясиз ҳудуд" лойиҳасини амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли идоралар билан биргаликда иллатга қарши курашиш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг 2021 йил 22 февралдаги йиғилишида шундай тўхтамга келинган эди.

Йиғилишда сўзга чиққан Коррупцияга қарши кураш агентлиги раҳбари Акмал Бурҳонов ва бошқалар мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилаётганини соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида кўриш мумкин. Бунинг исботи сифатида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганини айтиш мумкин.

Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2021 йилдан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан "Коррупциясиз ҳудуд" лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этиляпти. Тадбирда Агентлик вакиллари томонида янги ташкил этилган Давлатобод туманида эксперимент тариқасида "Коррупциясиз ҳудуд" лойиҳасини амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар тақдимоти ўтказилди.

Наманган вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"да аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади. Манзилли рўйхат асосида белгиланган муассаса ёки ташкилотга шахсан ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот ташкил қилиш орқали коррупцияга сабаб бўлаётган омиллар ўрганилади, комплекс ёндашув асосида уларни бартараф қилиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар, социологик тадқиқотлар ўтказилади.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳудудий бўлимлари билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ҳам гап борди. Шу аснода коррупцияга қарши кураш соҳасидаги муаммолар ўрганилади. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноий ишлар бўйича умумлаштиришлар ўтказилади.

Давлат хизматчилари ўртасида "сирли мижоз" тадбирлари ўтказилади, суиистеъмолчилик ва сансалорликларга йўл қўяётган ходим ҳамда раҳбарларнинг фаолиятига реал баҳо бериш ҳам кўзда тутилган. Ҳудудда яшовчи фуқароларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказишга алоҳида аҳамият берилади. Лойиҳани амалга татбиқ қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджет маблағларидан фойдаланиш ва давлат харидлари соҳасидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

– Бизнинг соҳада ҳам шундай ҳолатлар учраб туради, – дейди Давлатобод тумани қурилиш бўлими мутахассиси Фарҳоджон Қаҳҳоров. – Бежиз "Шаффоф қурилиш" тизимини жорий этиш масаласи кўтарилмаган. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир кишида инсоф ва диёнатни шакллантириш шарт. Бу, умумхалқ ишига айланиши зарур. Шу билан бирга одамлардаги лоқайдлик хусусиятини бартараф этиш лозим. Бусиз жамиятда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиб бўлмайди.

Йиғилиш якунида "Йўл харитаси"даги ҳар бир банд юзасидан ижрочиларга тегишли вазифалар юклатилди.

# Кун тартибида: иллатга қарши курашиш

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармасида барча мутахассислар, шаҳар ва туманлар қурилиш бўлимлари бошлиқлари иштирокида ўтказилган йиғилишда коррупцияга қарши кураш масаласига эътибор қаратилди. Бошқарма бошлиғи Акмалжон Раҳмонов коррупцияга қарши кураш бугунги куннинг долзарб масаласи эканини таъкидлади.**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилгани ва Қонун қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Нотиқ 2021 йилда, давлат органлари ходимларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиб бориш катта аҳамиятга эга эканига тўхталди. Шу билан бирга мансабдор шахслар ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини мунтазам ошириб бориш керак. Бундан ташқари эгаллаб турган хизмат мансабини суиистеъмол қилмаслик, тамагирликка йўл қўймаслик, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳар бир ходимнинг ёдида бўлишини таъкидлади.

– Қарийб ўттиз йилдан буён қурувчилик касбини шарафлаб келаман, – деди Қувасой шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи Савриддин Ашуров. – Шу йилларда кўплаб шогирдлар тайёрладим. Ҳаммаси юртимизда фаолият юритяпти. Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман, ҳар қандай инсон билиб-билмай қонунни бузиши ва ҳатто, коррупцияга аралашиб қолиши ҳам мумкин. Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик учун соҳада кўпни кўрган устозлар ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.




# Бир кунда 200 та боғча очилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қашқадарёлик тадбиркорлар ва ҳокимликлар ташаббуси билан иш бошлаган МТТларнинг 169 таси оилавий, 30 таси ДМТТ ва 1 таси ДХШ боғчалардир.**



Маълумотларга кўра, вилоятда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 294 минг 751 нафарни ташкил этади. 2016 йилда 326 та МТТлар бўлиб, болаларни қамраб олиш даражаси 13,3 фоиз эди, шу йил 1 июндан иш бошлаган 200 та МТМни қўшиб ҳисоблаганда 1 минг 897 тага етди.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан иш бошлаган боғчалар очилиши ортидан 673 нафар киши ишли бўлди, 7 минг 572 нафар болалар учун қўшимча ўрин ташкил этилди.

Жумладан, Қарши шаҳрида 11 та, Шаҳрисабзда 25 та, Ғузорда 6 та, Деҳқонободда 14 та, Касбида 18 та, Китобда 37 та, Косонда 3 та, Қамашида 2 та, Қарши туманида 4 та, Миришкорда 15 та, Муборакда 5 та, Нишонда 4 та, Чироқчида 23 та, Шаҳрисабз туманида 22 та ва Яккабоғда 11 та боғчалар очилди. Очилиш маросимларида депутатлар, нуронийлар, маҳалла аҳли ва бошқалар иштирок этди. Ушбу боғчаларнинг 42 таси олдин боғча мавжуд бўлмаган олис ҳудудларда иш бошлади.

Қарор ва ижро

# ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ – иқтисодиётнинг асосий аортаси

**Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, барча соҳалар қатори ушбу йўналишда ҳам катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.**

Президентимизнинг 2018 йил 16 июлдаги "Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар ривожида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётир.

Маълумотларга кўра, 2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури доирасида 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирланган. 265 километр умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қайта қурилган.

"Тошкент-Термиз", "Самарқанд-Бухоро-Олот", "Ғузор-Бухоро-Қўнғирот-Бейнау", "Тошкент-Чимён-Чорвоқ дам олиш зонаси" транспорт йўлларида комплекс реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, Тошкент, Нукус, Бухоро шаҳарларида мураккаб транспорт чорраҳалари ҳамда аҳоли пунктларини айланиб ўтиш йўллари барпо этилди.

ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВАнинг Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси директори ўринбосари Абдунаби ҲИММАТОВ билан суҳбати юртимиз йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ишлари ва унда ташқи қарз ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг аҳамияти хусусида бўлди.

– Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бугуннинг энг муҳим масаласига айланмоқда, – дейди А. Ҳимматов. – Негаки, бутун дунёга ўз эшигини очаётган ва имкониятларини намоён этаётган Ўзбекистонда замон талаблари даражасидаги йўлларни қуриш тақозо этилади.

Президентимизнинг алоҳида эътибори йўл-транспорт инфратузилма тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси йўл-транспорт соҳасидаги 30 дан ортиқ халқаро конвенция, шартнома ва келишув аъзоси, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган халқаро транспорт тизимига миллий транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва интеграция қилиш бўйича дастурларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Республикамиз ҳудудидан 20 дан ортиқ халқаро транспорт йўналишлари ўтади.

**– Бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро транспорт коридорларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда?**

– Мамлакатимиз йўл-транспорт сиёсатининг асосий мақсади халқаро транспорт коммуникацияларига интеграция қилиш, ташқи савдо ва транзит юкларини ташиш учун самарали халқаро йўналишларни ривожлантириш, йўл-транспорт комплексини модернизация қилиш ва транзит потенциалини оширишдир. Шунингдек, реконструкция қилинган йўл мамлакатимиз ички ва ташқи савдоси ошишига ўз ҳиссасини қўшади ҳамда қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни янада яхшилайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42 минг 869 километрни ташкил этиб, шундан 3 минг 993 километри халқаро, 14 минг 203 километри давлат, 24 минг 673 километри маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари ҳисобланади.

Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини замонавий талабларга мослаштириш ва техник параметрларни ошириш борасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, амалга ошириладиган лойиҳаларда асосий эътибор цементобетон қопламали йўллар қуриш, автомобиллар қайрилиб олиш жойларини ер усти ёки остидан ўтказиш, йўл ва кўприклар ҳамда транспорт ечимларини мукаммал лойиҳалаш ҳисобига халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларда ҳаракатланишда хавфсизлик ва қулайликни оширишга қаратилмоқда.

Қўмитамиз томонидан 2008-2019 йилларда республикамизда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 516 миллион доллар инвестиция жалб қилиниб, 406 километр 4 тасмали, йўл қопламасини кўтариш қуввати 8 тоннадан 13 тоннагача бўлган автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Мазкур йўллар маҳаллий, халқаро юклар ва транзитни таъминлашда ўз жозибдорлигига эга бўлмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 10 январдаги "2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2020 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилиш манзилли дастури тасдиқланди. Натижада йўл-транспорт инфратузилмаси янада ривожланмоқда, янгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши республика йўл қурилиши соҳасида янгича ёндашув бўлаётганлигидан далолат беради.

Мазкур фармонда йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш, назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, монополиядан чиқариш, хусусий сектор корхоналарини жалб қилиш ва инвестицион жозибадорликни ошириш ҳисобига соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, йўл қурилишига инновацияларни кенг жорий этиш мақсад қилиб қўйилган.

**– Умуман, йўл қурилиши давлат бюджети билан бир қаторда ташқи қарз ҳисобига амалга оширилади. Шу маънода, мамлакатимизда ташқи қарз ҳисобидан нечта лойиҳа амалга оширилмоқда?**

– Албатта, бундай йирик лойиҳалар учун ички ва ташқи имкониятдан фойдаланиш барча мамлакатлар амалиётида кузатилади. Бизда ҳам бу амалиёт мавжуд.

Айни кунларда қўмита томонидан халқаро молия институтлари билан биргаликда умумий қиймати 1 миллиард 199,6 миллион доллар бўлган 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2021 йилда жами 154 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган.



Лойиҳалар ҳақида маълумот берадиган бўлсак, биринчи лойиҳа Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш. 3-Фаза" кўп траншли молиялаштириш дастури лойиҳасига асосан А-380 "Ғузор-Нукус-Қўнғирот-Бейнеу" автомобиль йўлининг 228-315 километр қисмини реконструкция қилишдир. Мазкур лойиҳа 2023 йилда қуриб битказилади. Реконструкция қилинадиган автомобиль йўли Бухоро вилоятининг Ромитон, Пешку, Бухоро ва Жондор туманлари ҳудудларидан ўтади.

Иккинчиси, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 116-190 километр қисмини реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасида тежаб қолинган маблағлар эвазига ушбу йўлнинг 173-176 километр қисмини реконструкция қилиш. Учинчиси, Ислом тараққиёт банки иштирокидаги М-39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлининг 1395-1400 километр ва 1410-1426 километр қисмларини реконструкция қилиш. Тўртинчиси, "Маҳаллий аҳамиятдаги минтақавий ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш" лойиҳаларидир.

Шунингдек, бешинчи лойиҳа "Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокидаги "4Р87 "Ғузор-Чим-Кўкдала" автомобиль йўлининг 38-73 километр қисмидаги 35 километр узунликдаги автомобиль йўлини 2 тасмали асфальтбетон қопламадан 4 тасмали асфальтбетон қопламали автомобиль йўлига ўтказиш. Олтинчи лойиҳа, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) иштирокида "А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 150-228 километр қисмини реконструкция қилиш ва еттинчи лойиҳа А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 964-1204 километр қисмларини цементбетон қопламаси билан реконструкция қилишдир. Айни кунларда мазкур лойиҳалар асосида барча ишлар режа асосида олиб борилмоқда.

**– Жорий йилда ушбу етти лойиҳадан қайси бири фойдаланишга топширилади?**

– Ҳозир А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "116-190 километр қисмини реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасида тежаб қолинган маблағлар эвазига ушбу йўлнинг 173-176 километр қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг баланд тоғли довон қисми халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган ягона техник параметрларга етказилиб, реконструкция ишлари 2021 йил август ойига қадар якунланади.

Ҳозирги кунда цементбетон қопламанинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида замонавий йўл қурилиш техникалари, Германия ва Корея Республикасидан малакали мутахассислар жалб қилинган. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш доирасида "Evrascon" пудратчи компанияси томонидан реконструкция ишларини амалга оширишда микрофюрфейсинг инновацион технологияси қўлланилмоқда.

Бажариладиган ишлар сифатини таъминлаш мақсадида қурилиш ишлари устидан техник назоратни Корея Республикасининг "Sambo Engineering Co., Ltd." халқаро консалтинг компанияси амалга оширмоқда.

А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 173-176 километр қисми фойдаланишга топширилгандан сўнг Қамчиқ довонидан ўтувчи йўлнинг 100 километр қисмида интеллектуал транспорт тизими (ITS) жорий этилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида транспорт воситалари оқими, об-ҳаво шароити ва йўл ҳаракати хавфсизлигини реал вақт режимида бошқариш ва мониторинг қилиш имконияти яратилади.

А-373 автомобиль йўли республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб, у қўшни Қирғизистон Республикаси орқали Хитой Халқ Республикаси ҳамда Тинч океани мамлакатларига чиқиш имконини яратади. Мазкур объект 2021 йилнинг август ойига қадар фойдаланишга топширилади.

Жорий йил фойдаланишга топширадиган лойиҳамиздан яна бири – "4Р87 "Ғузор-Чим-Кўкдала" автомобиль йўлининг 38-73 километр қисмидаги 35 километр узунликдаги автомобиль йўлини 2 тасмали асфальтбетон қопламадан 4 тасмали асфальтбетон қопламали автомобиль йўлига ўтказиш лойиҳасидир.

Мазкур лойиҳанинг умумий киймати 113,6 миллион долларни ташкил этади. Бунда Саудия тараққиёт жамғармаси ҳиссаси 30 миллион доллар ҳамда Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ҳиссаси 21 миллион доллар ва Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси 62,6 миллион доллар эквиваленти миқдорида белгиланган.

Бошқа лойиҳалар ҳам белгиланган муддатда ишга туширилиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида халқаро компаниялар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш бўйича 220 дан ортиқ махсус техника ва транспорт воситаларини кўчириш чоралари кўрилмоқда.

**– Йўл-транспорт соҳасига йўналтирилган ташқи қарз маблағи қай даражада ўзини оқлайди? Лойиҳалар учун ажратилган ташқи қарз тўловлари қай тартибда ва қанча муддатда қайтарилиши белгиланган?**

– Ҳар йили мамлакатимизнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда давлат қарзини бошқаришга концептуал ёндашилмоқда ва ўрта муддатли стратегияга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат қарзини бошқариш тизимининг халқаро андозалар асосида такомиллашуви натижасида жалб қилинган инвестиция маблағлари ва лойиҳаларни самарали бошқариш ва натижадорликка эришилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси йўл қурилиши соҳасида Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси (СТЖ) ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (ҚАИТЖ), Жаҳон банки гуруҳининг Халқаро ривожланиш ассоциацияси каби халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. 2020 йилдан бошлаб Осиё инфратузилма ва инвестициялар банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банклари инвестиция маблағини йўл қурилишини молиялаштиришга йўналтириш истагини билдирди.

Лойиҳалар учун ажратилган ташқи қарз тўловлари тартиби ва муддати тўғрисида тўхталиб, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "А380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 964-1204 километр қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси мисолида оладиган бўлсак, ОТБ томонидан ажратилган маблағ 274,2 миллион долларни ташкил қилади. Бунда инвестиция маблағини қайтариш муддати 24 йил бўлган 248,2 миллион доллар миқдоридаги оддий капитал маблағи ва 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган қайтариш муддати 24 йил бўлган 26 миллион доллар миқдоридаги имтиёзли маблағни ташкил қилади.

Тўловларни амалга ошириш муддати бир йилда икки марта белгиланган бўлиб, фоиз ставкаси 6 ой LIBOR+0,5 фоиз йиллик тўловдан иборат.

Мазкур лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг улуши 109,2 миллион долларни ташкил қилади ва ушбу солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар беришдан иборат. Барча лойиҳалар бўйича ҳам халқаро молия институтлари билан имзоланган қарз битими 20 йилдан 30 йилгача бўлган муддатни ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ташқи қарз ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар амалга оширилиши ижобий натижа беради. Фуқароларимиз хавфсизлиги ва товар-моддий бойликларнинг жойларга зарарсиз етказилиши ва халқаро транзит имкониятлари ошишига иқтисодиётнинг асосий аортаси бўлиб хизмат қилишига ишонч билан қараймиз. Йўл қурилишига сарфланган инвестиция маблағлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятдаги ижобий натижалари ва макроиқтисодий барқарорликка олиб бориши шубҳасиздир.

# МАҲАЛЛАЛАРДАГИ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” муаммоларга ечим топиш имконини беряпти




**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шу йилнинг Наврўз байрами арафасида давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолиятини бориб кўрди, аҳоли билан мулоқот қилди.**

Бу бежизга эмасди. Маълумки, пойтахт вилояти ўз салоҳияти жиҳатидан бошқа вилоятларга қараганда имкониятлари анча кенг. Унинг туман ва шаҳарларида салкам уч миллион аҳоли яшайди. Бир қанча имкониятлару шароитларнинг яхшилигига қарамай, бу жойда ҳам вақтинчалик ишсизлик даражаси камайгани йўқ. Аксинча, очиқ осмон остидаги манбалардан оқилона фойдаланиш бироз суст кечмоқда. Мана шунинг учун ҳам вилоятнинг ҳар бир маҳалласидаги “ўсиш нуқталари”ни топиб, шунга масъулларни белгилаш ҳамда керакли маблағларни бериб, одамларни иш билан таъминлаш давлат раҳбарининг ташриф давомидаги асосий мақсадига айланганди.

Президент бу жараёнда Чиноз туманида бўлганида қурилиш ва ижтимоий масалалар, ишсизликка эътибор қаратаркан, **“Ўзи Чиноз туманида ишсиз бўлиши керак эмас. Ери кенг, одамлари меҳнаткаш. Ҳар бир уйда, ҳар бир кўчада маданият бўлиши керак. Халқимиз айтганидек, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Бирга ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак”** деганди. Шулар баробарида йирик ва ўрта лойиҳалар учун вилоятга 119 триллион сўм йўналтирилиши, ҳали ҳеч бир вилоятда бундай марра олинмагани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбари ривожланишга тўсқинлик қилаётган, айниқса, ишсизликка барҳам бериш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар бўйича бир қанча таклифлар киритди. Уларнинг ижроси қандай бўлаётгани билан қизиқиб, Чиноз туманидаги 2-секторга қарашли ҳудудда бўлдик. Унга 13 та маҳалла бириктирилиб, уларнинг назорати туман прокурори зиммасида. Нафсиламбрини айтганда, барча соҳа мутасаддилари енг шимариб ишга киришгани амалга оширилаётган бунёдкорлигу ободонлаштиришларда яққол кўзга ташланади. Энг аввало, барча маҳаллалардаги кўчалар текисланиб, шағал ётқизилган, айримларида эса қудратли техникалар ёрдамида асфальтлаш ишлари жадал бормоқда. Газчилар ва электр тармоғидагилар олдиларига қўйилган мақсадга эришиш учун эскирган симёғоч ҳамда қувурлар ўрнига янгиларини ўрнатишяпти.

Пайвандлаш юмушларини бажараётган йигит ўзини Алишер Жонузоқов деб таништираркан, қўлида яхшигина ҳунари бўлса-да, анча вақт ишга жойлашолмагани учун шу масалада сектор раҳбарига учрашгач, тумангаз корхонасига жойлаштириб қўйилгани, ҳозирги кунда ишлари юришиб, яхшигина маош олаётганини айтди.

2-сектор раҳбари, туман прокурорининг эътироф этишича, Президентнинг туманга ташрифи ва бу жойдаги ишларга берган баҳоси масъулиятни ошириш баробарида, уларнинг олдида ҳали жуда кўп ишлар ечим кутиб турганини кўрсатиб қўйди. Камчиликларни тузатиш, одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш учун бундан буён янада фаол ҳаракат қилинмаса, бошқалардан ортда қолиш турган гап.

Сектордаги 13 та маҳаллада айни пайтда 34 500 нафар аҳоли яшайди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” доирасида ҳудудда истиқомат қилаётган 30 ёшдан ошган 1 572 нафар аёлларнинг моддий-маънавий муҳити қайтадан ўрганилиб, электрон база шакллантирилган. Шу билан чамбарчас, 18 ёшдан ошган 5 780 нафар ёшларни ташвишлантираётган муаммолар, ислоҳотлардаги иштироки ҳар бир маҳалла кесимида чуқур таҳлил қилиниб, зарур чоралар кўрилибди. Кейинги беш ой оралиғида иш излаб юрган ёшлардан 128 нафарига 0,25 гектардан ер ажратилгани туфайли шу кунларда улар истеъмолбоп зарур маҳсулотларни етиштириб, ўзларидан ортганини бозорларга чиқариб, яхшигина даромад кўришмоқда. Қаранг, изланганга имконият эшиклари ҳам очилавераркан. Шу вақт оралиғида уч бор меҳнат ярмаркалари ташкиллаштирилиб, 130 нафар ёшлар замонавий касбларга ўқитиляпти, уларга касб ўрганиш даврида давлат томонидан стипендия ҳам тўланаётган экан. 110 нафари эса янги очилган кичик корхоналарда меҳнат фаолиятларини бошлашган.



**“Шу даврда ўндан ортиқ кичик корхоналар ишга тушди, мавжудларидан олтитасида қўшимча иш ўринлари яратилди, фермерлар ихтиёридаги далаларда ҳам 120 нафар киши доимий иш билан таъминланди”.**

Бугунги кунда “Темир дафтар”га киритилган 174 нафар аёллар билан ҳамнафас бўлиш масаласи энг муҳим ишлардан бирига айланган ва бу борада 9 та йўналиш бўйича узлуксиз ишлар олиб борилмоқда. Мана шу усулдаги ҳаракатлар кутилган натижани беряпти. Масалан, Аҳиллик маҳалласида яшовчи, боқувчисини йўқотган Зебунисо Саиджонованинг турмуш шароити ўрганилганда анча қийин аҳволда яшаши, агар озгина ёрдам кўрсатилса, бу жараёндан тезда чиқиб кетишига ишонч ҳосил қилингач, унинг ихтиёрига қараб банкдан 30 млн сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашилган.

Серғайрат Зебунисо шу пул ҳисобига асаларичиликни ривожлантирди. Ҳозир ундан шифобахш маҳсулотни етиштириб, рўзғорини тиклаб олди ва икки нафар қўшнисини ҳам ишли қилди. Аёлнинг сўзларига қулоқ тутган киши, шундай давлатда умргузаронлик қилаётганидан ғурурланади. Чунки унинг юз-кўзларида бундан уч ой аввалги тушкунлик аломати ўрнида миннатдорлик туйғулари балқиб турибди.

Моддий қўллашлар туфайли ўзини тиклаб, ишсизлик ва камбағаллик даражасидан эндиликда “Олтин дафтар” дея эътироф қилинаётган рўйхатга кираётганлар ҳудудда тобора кўпаймоқда. Улардан яна бири Бешкапа маҳалласида яшовчи Маъмуржон Ҳайдаровдир. Бу фуқаро ҳам бошқалардек яшашни, ўз тадбиркорлиги бўлишини умр бўйи орзу қилганлардан. Бироқ иш йўқлиги ва рўзғоридан орттириб, уч-тўрт сўм тўплай олмагани учун ниятлари рўёб топишига ҳалал берарди.

Прокурор бошчилигидаги ишчи гуруҳи унинг уйига кириб келишганида тушкун бир кайфиятда ўтирарди. Сўнг, “ётиб қолгандан кўра, отиб қол” қабилида минг бир истиҳола билан мақсадини уларга айтади. Орадан икки кун ўтиб, тумандаги банклардан бирининг ходими келиб, зарур ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашиб, икки кундан кейин 33 млн сўм имтиёзли кредит ажратилди. Мана шу пул ҳисобига у турли дастгоҳлар олиб, ҳозирги кунда беш нафар киши билан эшик-ром ва бошқа турдаги қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Эрталабки биринчи ишни дафтарларда рўйхатга турганларнинг муаммоларига ечим топишдан бошлаш одатга айлангани кейинги уч ойда кутилган натижани беряпти. Нафақат ҳудудда, балки туманда ҳам бу масала қатъий эътиборга олинган, – деди туман прокурори Улуғбек Ғаниев. – Шу даврда ўндан ортиқ кичик корхоналар ишга тушди, мавжудларидан олтитасида қўшимча иш ўринлари яратилди, фермерлар ихтиёридаги далаларда ҳам 120 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бор тўрт нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга доимий равишда ҳамширалар биркитилди. Бир нафар ногироннинг яшаш уйи замонавий қилиб таъмирлаб берилди.

Кундузги меҳнатдан сўнг, кечки пайтлари фуқаролар маданий дам олишлари учун етарли шароитлар қилинди, ибратли оилалар бошлиқлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтяпти. Ҳозирча ҳар иккита маҳаллада кутубхона ташкил этилиб, 500 дан ортиқ турли мавзудаги китоб фонди шаклланган ва бу борадаги ишлар давом этяпти. Муҳими, одамлар орасига қанча кўп кириб борсак, ечим кутаётган масалалар шунча тез ҳал бўляпти. Шулар баробарида фуқаролар ҳам бир даврлардаги каби энди раҳбарлардан “бегонасирамасдан” кўнгилларидагини очиқ айтишга, ҳуқуқий маслаҳатлар зарур бўлса, тортинмасдан келиб сўрашга одатланишган. Президентимизнинг тавсиялари бўйича маҳаллалардаги “ўсиш нуқталари”ни топиб ишга киришганимиз барча муаммолар ўз ўрнида ҳал бўлишини таъминламоқда.

# Таълимда халқаро алоқа

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekison bunyodkori” мухбири.

**Наманган муҳандислик-қурилиш институти иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари учун малакали кадрлар етказиб бераётган йирик таълим даргоҳларидан ҳисобланади. Бу ерни битириб чиққан мутахассислар айни пайтда мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқда.**




Институтда таълим сифатини юқори даражага кўтариш учун бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Улар орасида хориждаги олий ўқув юртларида тўпланган илғор тажрибани жорий этиш ҳам бор.

– Кейинги йилларда Татаристон Республикасининг Қозон федерал университети билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга эришдик, – дейди институт ректори Шарифжон Эргашев. – Айниқса, мазкур олий ўқув юртининг “Набережние Челни” филиали билан ўзаро алоқалар кенгайиб бормоқда. У ерда ҳам қурилиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозиргача бир неча бор делегациялар алмашдик.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти татаристонлик ҳамкорлар билан икки томонлама шартномалар имзолаган. Уларга мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилида 3 та таълим йўналиши бўйича 55 нафар, 2019/2020 ўқув йилида 4 та таълим йўналиши бўйича 74 нафар, 2020/2021 ўқув йили учун эса 6 та таълим йўналиши дастури доирасида 64 нафар талаба ўқишга қабул қилинган. Келгусида бу рақамлар янада ортиши кутилмоқда.

Ўтган ҳафтада Қозон федерал университетининг “Набережние Челни” филиали вакиллари гуллар шаҳрида бўлишди. Филиал директори, техника фанлари доктори, профессор Маҳмуд Ғаниев ва директор ўринбосари Марат Умаров Наманган муҳандислик-қурилиш институти фаолиятини яқиндан ўрганди. Профессор-ўқитувчилар, талабалар билан учрашувлар ўтказилди. Меҳмонлар вилоят марказида қад кўтараётган бир қатор йирик объектларни бориб кўришди. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишув ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

Иккала олий ўқув юртлари раҳбарларининг музокаралари ҳам самарали кечди. Янги ўқув йили қабул квоталари бўйича қўшимча шартномалар имзоланиб, барча масалалар бўйича фойдали келишувларга эришилди.

Меҳмонлар иштирокида 2020/2021 ўқув йилида танлов асосида қабул қилинган 1-курс талабаларига гувоҳномалар топширилди.

Фарғонадан дараклар

# Замонавий футбол майдони

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қувасой шаҳридаги Гулистон маҳалласида замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилди.**

Давлат божхона қўмитаси маблағлари ҳисобидан 550 миллион сўм ажратилгач, керакли қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида, тўлиқ якунига етказилди ва футбол майдони 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Янги ўйингоҳда 400 га яқин томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган ўриндиқлар, югуриш йўлакчалари мавжуд бўлиб, тунги ёритиш тизими ҳам ўрнатилган.

# “Ҳунармандлар маркази” қуриляпти

**Риштондаги “Қалайнав” МФЙ ҳудудида Ҳунармандлар маркази биносига дастлабки ғишт қўйилди.**

0,80 гектар майдонда қад ростлаётган 3 қаватли марказнинг лойиҳа қиймати 22,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Лойиҳа учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан имтиёзли кредит ажратилган. “Оқ-ер” МФЙ ҳудудида жойлашган – 0,50 гектар майдонда ҳам яна бир марказ қурилишига киришилди.

# Ҳамкорлик уфқлари

**“KFW” Германия тараққиёт банки Фарғона вилояти билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилади.**

Хусусан, амалга оширилган дастурга кўра, кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Вилоят силга қарши кураш диспансерига ҳомийлик асосида тиббиёт асбоб-анжомлари етказиб берилган.

Яқинда мазкур банкнинг Марказий Осиё офиси директори Андреас Шнайдер Қўқонга ташриф буюрди. Вилоят ҳамда Қўқон шаҳар ҳокимлари билан учрашув давомида “KFW” банки томонидан Қўқон шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Меҳмон банк томонидан ушбу лойиҳаларни грант ёки имтиёзли кредитлар асосида молиялаштиришга тайёр эканликларини билдирди.

Учрашувда лойиҳаларни молиялаштириш механизми, амалга ошириш тартиблари хусусида маълумотлар берилди.

Ислоҳотлар амалда

# Янги уйлар байрамгача топширилади

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Навоий вилоятига ташриф буюрганлар нафақат вилоят маркази, балки туманларда ҳам бунёдкорлик ривожланганидан ҳайратга тушиши табиий. Айниқса шарафли сана – Мустақиллик байрами арафасида минглаб хонадонларда уй тўйлари бўлиб ўтади, кўплаб объектлар фойдаланишга топширилади.**



Албатта бу юмушлар, йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда қурилиш соҳаси жамоаларининг меҳнати эвазига бунёд этилади. Остонада турган мустақиллик байрами бунёдкорларга янада катта масъулият юкламоқда. Йирик иншоотлар тикланаётган майдонларда иш қайнайди, техникаларнинг тинимсиз ҳаракати, меҳнат жамоаларининг фидокорлиги мақсадга эришишга қаратилган.

Вилоятда бу йил янги тартибда 1 040 та кўп квартирали уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, Навоий ва Зарафшон шаҳрида 500 та, қишлоқ жойларда 380 та, Кармана туманида 10 та 5 қаватли ва Қизилтепа туманида 9 та 5 қаватли, шунингдек, “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ буюртмачилигида 8 та 5 қаватли уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Янги уйларнинг қурилишида Навоий шаҳридаги “10-сон Қурилиш монтаж бошқармаси” МЧЖнинг ҳам ҳиссаси бор. Улар томонидан тикланган кўп қаватли турар жой бинолари, таълим ва тиббиёт масканлари, ижтимоий соҳа объектлари бугун аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Охирги уч йилда корхона томонидан бир қатор қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 30 дан ортиқ объектлар янгидан барпо этилди, 8 та объект реконструкция қилинган ва 3 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бугун меҳнат қилаётган 82 нафар ишчи-хизматчининг мақсади ҳам шу, байрамга қадар белгиланган топшириқларни якунлаш, янги қурилган уйларни эгаларига топширишдир. Иш унумдорлигини оширишда корхонадаги 3 та минорали кран, 2 та “HAVO” автосамосвали, 1 та 30 тонналик, 2 та 50 тонналик автокран, 2 та экскаватор, 2 та тиркамали КамАЗ, 2 та бетон ташувчи, 2 та “Трактор 30-25” ва енгил автомашиналарнинг ўрни беқиёс бўлмоқда.

Қурилиш маҳсулотлари – плита, фундаментли блок, шлакоблок, колодец, акфа эшик-ромлар жамиятнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани, ортиқча харажат ҳамда вақтни тежаши билан аҳамиятли. Албатта моддий-техник базаси мустаҳкам фирмалар доимо яхши натижага эришади. Буни тўғри англаган жамият раҳбарияти 2017 йилдан 100 минг АҚШ долларига Хитой давлатидан ускуналар олиб келиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи цехлар фаолиятини йўлга қўйди. Натижада 40 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди. Бунга асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари – ёш мутахассислар жалб этилди.

– Ёшлар келажагимиз, янгилик ва ташаббуслар ижодкори, – дейди МЧЖ раҳбари Анвар Избосаров. – Сўнгги 3 йилда 92 нафар ёш мутахассислар қурилиш объектларида амалиёт ўтаб, касб кўникмаларига эга бўлди. Иш кўламининг ортиб бориши қўшимча иш ўринларига эҳтиёжни оширади, айни чоғда 300 дан ортиқ мавсумий ишчи-хизматчилар шартнома асосида ишга жалб қилинди. Жамоага муносиб меҳнат шароитлари яратиб берилса, унумдорлик ҳам шунга лойиқ бўлади. Ишчиларга хизмат машиналари, автобуслар ажратилган ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Шунингдек, тиббиёт хоналарида тиббий хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Корхона жамоаси ҳомийлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Сўнгги йилларда 750 млн. сўмдан ортиқ маблағлар таълим-тарбия ва болалар спортини ривожлантириш ҳамда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирди. Наврўз, Мустақиллик байрамларида хайрия тадбирларини ўтказиш анъанага айланган.

Дарвоқе, корхона мутасаддилари хорижий давлатларда ҳам бўлиб, ишлаб чиқариш, қурилиш ва бунёдкорликлар бўйича ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб, малака оширишган. Соҳага бундай ёндошув эса кутилган самарани беряпти.

# Қурувчиларга эътирозимиз бор...

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ургут туманидаги соғломлаштириш мактаб-интернатида бу борада ибратга сазовор ишлар амалга оширилаётир.**

– Катта Торанжак маҳалласида жойлашган билим масканимиз 1937 йил ташкил топган, – деди директор Улуғбек Маҳмудов. – Болаларда учрайдиган сил касаллигининг олдини олиш, профилактикасига риоя этиш мақсадида очилган ўқув даргоҳи жамоаси мана, қарийб 85 йилдирки, зиммасидаги масъулиятни уддалаб келяпти. Чунки улар туман, вилоят, ҳатто, республика миқиёсида ўтказиладиган танлов, мусобақа ва ҳар хил тадбирларда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак кўрсатишяпти.

Қарийб 5 гектар майдонни эгаллаган интернатни кезиб, дилингиз яйрайди: дарахтзор, гулзорлар чинакам ўрмонни эслатгани туфайли маҳаллий аҳоли уни “ўрмон мактаби”, деб аташар экан.

– Гап шундаки, 2017 йилда мактаб-интернат давлат инвестиция дастури асосида мукаммал таъмирланиб, қўшимча тарзда спорт зали, ҳаммом биноси қад ростлади. Аммо пудратчи ташкилот – “Mebel Azia” жамиятининг бепарволиги туфайли ошхона ва маъмурият хонаси ўз ҳолича қолиб кетди. Мактаб атрофини ўраш, сув насосларини ўрнатиш, янги электр тармоғи ўтказиш пайсалга солинди. Лойиҳа идорасидаги мутасаддилар бу юмушлар қурувчи зиммасига юкланганини айтишган, – дейди директор. – Қолаверса буюртмачи – вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компаниясига бу камчиликлар ҳақида билдириш хати берганмиз. Афсуски, шу нуқсонлар боис ҳалигача фойдаланишга топширилмаган бинода фаолият кўрсатишга мажбурмиз.

Мактаб-интернатни жиҳозлар, замонавий техникалар билан таъминлаш, ўқувчиларга етарли шароитлар яратиб бериш каби муаммолар ҳам мавжуд. Ҳукуматимиз болалар таълим-тарбиясига катта маблағ сарфлаётган бир пайтда, бу ердаги аҳвол билан муроса қилиш мумкинми?!.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45 (496) 2021 йил 4 июнь

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

## НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2021-01

**Проект:** "Строительство современных жилых домов в сельской местности" (Фаза-2)

**с участием Исламского банка развития**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**ООО ИК "КИШЛОК КУРИЛИШ ИНВЕСТ"**

Тендерные торги по отбору подрядных организаций для строительства 31 единиц 5-этажных, 2- и 3-х комнатных, 20 квартирных жилых домов по типовым проектам в сельской местности Бухарской, Джизакской и Андижанской областях проводились с 1 апреля по 2 июня 2021 года, согласно объявлениям, опубликованным в газетах "Халк сузи" №66 (7815) от 01.04.2021 г., "O'zbekiston bunyodkori" №25 (476) от 02.04.2021 г., №27 (478) от 09.04.2021 г., №34 (485) от 04.05.2021 г. и размещённым на веб-сайтах www.qqinvest.uz и www.tenderweek.com.

**Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:**

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Многоэтажный дом с 2-х и 3-х комнатными квартирами | | | Победители | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | | |
| | **Бухарская область** | **10** | **10** | **200** | | **10** | **29 010 873 262,00** |
| ИБР-18 | Алатский | Халифа | 1 | 20 | 1 | Консорциум ООО "Ravon Ta'mir Invest" (Лидер), ООО "Buxara Best Buildings" (Партнер) и ООО "Qorako'l Mega Stroy" (Партнер) | 3 210 210 509,00 |
| ИБР-19 | Алатский | Халифа | 1 | 20 | 2 | Консорциум ООО "Rus Aymer" (Лидер) и ООО "Bunyod Shaxzod Fayz" (Партнер) | 2 951 793 342,00 |
- полное Техническое задание, приведенное в приложении В;
- список обязательных документов для подачи, приведенное в приложение С;
- инструкции для участников торгов (приложение Д);

Сумма НДС должна быть указана отдельной графой.



# “Qarshi yog‘-ekstraksiya” aksiyadorlik jamiyati

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Qarshi yog‘-ekstraksiya” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдаги йилликумумий йиғилишини 2021 йил 24 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳри,

А. Навоий шоҳкўчаси, 1-уй манзилида (жамият мажлислар зали) ўтказади.

**Кун тартиби:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби ҳамда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
3. Бошқарув раисининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
4. 2020 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия балансi, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
5. Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Ташқи аудиторининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
7. 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасини (зарарини) тақсимлаш.
8. Жамиятнинг 2021 йил учун тузилган бизнес-режаси, даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
9. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJ кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
10. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJ тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
11. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJ бошқаруви раисини тайинлаш.
12. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJ бошқаруви аъзоларини тайинлаш.
13. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқлаш.
14. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJ уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
15. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJнинг ички ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш.
16. “Qarshi yog‘-ekstraksiya” AJда 2021 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
17. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
18. Корхонани хомашё билан таъминлаш ҳамда айланма маблағни тўлдириш мақсадида тижорат банкидан кредит олиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2021 йил 31 май ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 18 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 24 июнь куни соат 10.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамият акциядорлари билан корпоратив муносабатлар хизматига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил:** Қарши шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 1-уй,
**Тел.:** 75-223-41-70.
**E-mail:** qarshimez@umail.uz



# “Косон ёғ-экстракция” акциядорлик жамияти

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Косон ёғ-экстракция” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 24 июнь куни соат 15.00 дан бошлаб Косон шаҳри, Бухоро йўли кўчаси, 1-уйда (“Koson yog‘-ekstraksiya” AJ мажлислар залида) ўтказилади.

**Кун тартиби:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркиби ва мажлис регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
3. Бошқарув раисини в.в.б 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
4. 2020 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
5. Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Ташқи аудиторининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
7. 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдани (зарарини) тақсимлаш.
8. Жамиятнинг 2021 йил учун тузилган бизнес-режа, даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
10. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
11. Жамият бошқаруви раисини тайинлаш.
12. Жамият бошқаруви аъзоларини тайинлаш.
13. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
14. Жамиятда 2021 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
15. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
16. 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдани қайта тақсимлаш тўғрисида.
17. Ўзгартириш киритилиши муносабати билан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини кўриб чиқиб тасдиқлаш.
18. Корхонани хомашё билан таъминлаш ҳамда айланма маблағни тўлдириш мақсадида тижорат банкидан кредит олиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2021 йил 2 июнь ҳолатига тузилди.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 18 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 24 июнь куни соат 13.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамият акциядорлари билан корпоратив муносабатлар хизматига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил:** Косон шаҳри, Бухоро йўли кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 75-592-47-47.
**E-mail:** kosonyog@mail.ru



“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасига 2021 йилнинг иккинчи яримйиллиги учун обуна бўлишни унутманг!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13.
Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz

Обуна индекси 466

# Кўп квартирали уйларда ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШАДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Халқ қачон турмушидан рози бўлади? Қачонки, у яшаётган кичик ватан – хонадонида барча қулайлик ва шинамлик мавжуд бўлсагина.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутасаддилари иштирокида ўтказилган "Кўп квартирали уй-жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда иссиқлик таъминотини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар" мавзусидаги анжуманда мутахассислар юқоридаги саволга батафсил жавоб беришди.

Бугунги кунда республикада 38 229 та кўп квартирали уйлар мавжуд. Шундан 17 625 тасида қўлбола иссиқлик мосламаларидан фойдаланилмоқда. Қолгани марказий ва маҳаллий, индувидуал иситиш қозонлари, контрамарка ҳамда голланд печлари орқали иссиқлик билан таъминланган. Республика бўйича марказлашган тармоқларнинг 2 минг километри яроқсиз аҳволда бўлиб, йўқотишлар ўртача 40 фоизни ташкил этади.

Йил якунига қадар 56 та қозонхона қуриш ва реконструкция қилиш, 205 километрдаги тармоқларни таъмирлаш орқали 2 мингга яқин кўп квартирали уйларни марказлашган иссиқлик тизими билан таъминлаш режаси қўйилган. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида қурилаётган 40 мингта хонадонни марказлашган иситиш тизимига ўтказиш кўзда тутилган. Янги кўп квартирали уйларни яхлит массив шаклида қуришдан мақсад ҳам аслида шу – энергоресурслар ва инфратузилма харажатларини тежашдир.

Республика миқёсида 20 та иссиқлик корхонаси, 539 та марказий ва маҳаллий қозонхона фаолият кўрсатади. 80 фоиз қозонлар таъмирталаб аҳволда, 2 500 километрдан зиёд тармоқлардан 75 фоизи жисмонан эскирган. Айрим қозонхоналар 15-20 йиллардан буён фаолият юритмайди.

– Ўрганишларда маълум бўлдики, қозонхоналардаги энергоресурслар таъминотидаги доимий узилишлар бунга сабаб бўлган, – деди Иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Равшанбек Жўраев. – Аҳоли охири қўлбола печлардан фойдаланишга мажбур бўлган. Қозонлар ва иссиқлик тармоқларининг эскирганлиги, айниқса кўп квартирали уйларнинг ички иситиш тизими носозлиги оқибатида иссиқлик энергиясининг гидравлик ҳаракатланиши бузилган. Шу боис, уйларнинг ертўла қисмида иссиқ сувнинг исрофгарчилиги (сливларга) келиб чиқмоқда. Натижада, тизимдаги йўқотишлар 35-40 фоизни ёки йилига 500,0 млрд сўмни ташкил этиб, корхоналар зарар кўриб ишлашга мажбур бўляпти. Бу, ўз навбатида, "таъминотчи" корхоналар олдидаги кредитор қарздорликнинг ошишига сабаб бўлади. Мазкур чекловлар корхонани куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришига тўсқинлик қилмоқда. Йўқотишларнинг олдини олиш учун "ёпиқ" тизимга ўтиш, яъни, ҳар бир уйга индивидуал иссиқлик пункти ўрнатиш лозим. Албатта, ҳисоблагич ўрнатиб, барча турдаги истеъмолчилар билан шу орқали ҳисоб-китобни амалга оширишни бошлашимиз керак.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун иссиқлик тармоқларини тартибга келтириш ва алмаштириш, ихчам ва энерготежамкор қозонхоналар қуриш давр талабидир. Бу борада халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, Жаҳон банки иштирокидаги "Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида 2021 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ 16,54 млн доллар маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган.

– Ушбу маблағлар ҳисобидан Чирчиқ шаҳридаги қозонхонани модернизация қилиш, 21,3 км иссиқлик тармоқларини алмаштириш ва 199 та ИТП ўрнатиш режалаштирилган, – деди вазирликнинг Инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш бош бошқармаси бошлиғи Азизбек Эркабоев. – Лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида "Mimsan Endustri Kazanlari Sanayi ve Ticaret A.S." (Туркия) компанияси томонидан "Юбилейная" қозонхонасида умумий қуввати 75 МВт бўлган қозон, индивидуал иссиқлик пунктлари, насос қурилмалари етказиб келинди ва ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бухоро шаҳар "Бухороэнергомарказ" АЖ корхонаси иссиқлик энергияси билан таъминлайдиган 202 та кўп квартирали уйларга ва 29 та ижтимоий соҳа объектларига 264 та индивидуал иссиқлик шитларини ўрнатиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Муқаддас қадамжолар

# Пир Сиддиқ (Каптархона) мажмуаси



**Зилола Музаффарова,**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

**Жаннатмонанд юртимизнинг узоқ ўтмишдан сўйлайдиган тарихий ва муқаддас қадамжолари, хушманзара масканлари, ўзида ажиб мўъжизаларни акс эттирган ноёб жойлари кўп. Уларга йўлингиз тушса, қалбингизни бир олам ҳайрат ва ҳавас туйғулари эгаллаши аниқ.**

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги "Йўрмадўз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ана шундай бир ажиб маскан бор. Пири Сиддиқ мажмуаси, яна бир номи "Кабутарли мозор" деб номланган ушбу муқаддас даргоҳга келсангиз, зиёратгоҳ ҳовлисида учиб юрган жуда кўп кабутарларга кўзингиз тушади. Улар сизнинг ташрифингиздан беҳад хурсанд бўлгандек, ҳеч чўчимай ёнингизга учиб келиб қўлингиз ёки елкангизга қўнишади. Айтишларича, уларга яхши ният билан дон тутган кишининг кўнглидаги тилаги ижобат бўлар экан. Бу кўп бора исбот топган ҳақиқат.

Ўз даврида Марғилон шаҳрининг кўрки бўлган Пир Сиддиқ (Каптархона) мажмуаси мақбара, масжид, каптархона, минора ва дарвозахонадан иборат бўлган. Марғилонда яшаб ўтган қарияларнинг айтишича, мажмуада биринчи бўлиб Муҳаммад Пайғамбарнинг яқин дўсти, ислом тарғиботчиси – Сиддиқ дафн этилган сағана устига мақбара қурилган. Шу сабабли бу мақбара Пир Сиддиқ мақбараси деган ном олган. Даврлар ўтиши билан мақбара атрофида масжид, дарвозахона, каптархона, минора каби бинолар қурилиб, яхлит бир меъморий мажмуа пайдо бўлган. Меъморий тузилишига кўра, мажмуадаги масжид биносининг қурилиши тахминан XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Марғилонликлар орасида Пир Сиддиқ мақбараси номи билан боғлиқ қуйидагича афсона ҳам мавжуд. Унга кўра, авлиё Пир Сиддиқ уни таъқиб қилаётган душманлардан қочиб, бир ғорнинг ичига яширинади. Шунда каптарлар бу ғорнинг оғзига ин қуриб, кириш йўлини ёпадилар. Пир Сиддиқни таъқиб қилиб келган душманлар ғор оғзида каптарлар уя қуриб яшаётганини кўриб, "бу ерда одамзод бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда каптарлар бундай тинч ўтиришмаган бўлишарди", дея, бу ердан жўнаб кетишади. Каптарлар бу ҳаракатлари билан Пир Сиддиқни душманлардан қутқариб қолган экан.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мақбара тўғри бурчак шаклда бўлиб (11,8х11 метр), пештоқ равоқли, сағанали тўрт бурчак хона билан уйғунлик ҳосил қилади. Мақбара ичида иккита, узунлиги 5 метрли қабрлар мавжуд. Ривоятларга кўра, бу ерга Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг авлодлари, яъни жиянлари Шожалил ва Пошшобиби дафн этилган.

Мажмуадаги каптархона биноси масжид биноси билан деярли бир вақтда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Масжид биноси олдида жойлашган минора эса, 1920 йилда қурилган. Бу ҳақда кириш эшигининг тепасига ғиштдан терилган ёзув-сана далолат беради. Шу ерлик аҳоли ҳамда архитектор В. Л. Воронинанинг "Фарғона вилояти халқ меъморчилиги" (1940 йил) асаридаги маълумотларга кўра, минора марғилонлик Уста-Кичик деган шахс томонидан қурилган.

Собиқ мустабид тузумнинг диний-меъморий ёдгорликларга нисбатан ҳаракатлари Пир Сиддиқ мажмуасини ҳам четлаб ўтмади. Мажмуанинг дарвозахонаси орқасидаги икки қаватли бино бузиб ташланиши натижасида дарвозахона пештоқи ҳам зарарланиб, ярим вайрона ҳолатига тушиб қолди. Мажмуанинг сақланиб қолган биноларидан эса омборхона сифатида фойдаланилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса бу биноларга Россиядан эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган.

1990 йилларга келиб мажмуада дастлабки таъмирлаш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда Пир Сиддиқ мажмуаси давлат муҳофазасига олинган. Истиқлол йилларида, яъни Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейи арафасида биринчи Президентимиз қарорига асосан бу муқаддас қадамжо ободонлаштирилиб, кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирда зиёратгоҳдан зиёратчиларнинг қадамлари узилмайди. Узоқ-яқиндан ташриф буюрганлар улуғ бобокалонларимиз қабрларини зиёрат этиб, кабутарларни кўриб ўзгача ҳайрат билан ортга қайтишади.

# Сув тозалаш каналлари сифати қай ҳолатда?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кўпдан бери уй олиш пайидамиз. Янги Чоштепага бордик. Маҳаллага кирар эканмиз, қисқа фурсатда мўъжаз масканга айланган ҳудуднинг жозибасига орзуманд бўлдик. Кўп қаватли уйлар, саранжом-саришта турар жой мажмуасини кўриб кўнгилдан: "Шу ердан уй олсак бўларкан" деган ўй ўтди.**

Йўлда Янги Чоштепанинг янги қўноқларидан бирига дуч келиб, сўрадик:

– Кечирасиз, "Янги Чоштепа" турар жой мажмуасининг сотув офиси қаерда?

– Маҳаллага кираверишда, нега сўраяпсиз?

– Сизлар ҳам уй олмоқчимисиз?

– Ҳа, уй олмоқчимиз! Шунга келиб эдик...

– Акалар, бошингизни ғалвага суқманг, қўйинг.

– Нега? – қизиқсиниб сўрадим. – Бирон "чиппа"си борми?

– Бор-да, оғайни, бор! Кечаси нафас олиб бўлмайди, маҳалла чунонам сасийдики, уйимизнинг эшик-деразаларини беркитиб, димиқиб ўтирамиз.

– Янги маҳалла, Янги Чоштепада-я?!

– Ҳа, бу ерда муаммолар кўп, баъзилар сотиб олган уйларини "ўтказиш" пайига тушиб қолган. Эй, акалар, яхши ниятда келгансиз, орзу-ҳавасингиз бор. "Тушиб қолманг", дейман-да!

Ҳа, тобора йирик урбанизация ўчоғига айланаётган ва қурилиш шаклини кун сайин ўзгартириб бораётган бош шаҳримизда ободончиликларни оқламайдиган "эски" қусурларимиз ҳам бор. Уларнинг йирик кўринишларидан бири – Янги Ҳаёт тумани маъмурий таркибига кирувчи Янги Чоштепа маҳалласи. Қусурларимиздан бири ҳам ўша ҳудуддан ўтувчи "Водаканал" – Салар тозалаш иншоотидир.

Аҳоли мурожаатларига кўра, кўпдан бери Сергели тумани Ўзгариш маҳалласидаги ёқимсиз ҳид муаммоси ўрганиляпти. Энг қизиғи, Сергелининг ғарбий қисмида бугун йирик қурилиш жараёнлари давом этмоқда. Ҳудудда Тошкент шаҳрининг энг йирик бошқарув бирлиги – Янги Ҳаёт тумани ташкил этилди. Янги Чоштепа "DISCOVERY INVEST" MCHJ томонидан 320 минг метр квадрат майдонда қурилаётган 66 та кўп қаватли уй ёки 3 400 хонадондан иборат аҳоли пунктидир. Ҳозирда 9 та турар жой ёки 3 400 та хонадон қурилиши давом этмоқда. Қизиғи, Салар тозалаш иншоотидан чиққан канал суви айни шу маҳалланинг шундоқ биқинидан оқиб ўтади. Эндиликда Ўзгариш маҳалласининг "азалий муаммоси" янги туман аҳолисини, жумладан, Янги Чоштепа маҳалласига кўчиб келган хонадон соҳибларини ҳам роҳатсиз қиляпти.

– Кечаси соат ўн иккиларда маҳаллада бадбўй ҳид пайдо бўлади, – дейди "Янги Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шокиржон Мухаммеджонов. – Бунинг дастидан айримлар уйларини сотиш пайига тушиб қолган.

Албатта, Сергелидаги ёқимсиз ҳид муаммоси янги мавзу эмас. Бу борада жорий йил ҳисобида бир қанча ўрганиш ишлари амалга оширилди. Маълумотларга кўра, Салар каналига 533 та корхона чиқиндилари ташланади. "Айниқса, ярим кечаси чидаб бўлмайди. Чунонам сасийдики, ҳатто, уй ичида маска тақиб ўтираман. Кийим-кечак ва шифт пардаларигача ҳид ўтириб қолган. Бизнинг ҳам яшашга ҳаққимиз бор-ку. Атрофимизда тери-кўнни қайта ишлаш корхонаси, паррандачилик фермалари жойлашган. Уларда йиғилган бадбўй чиқиндилар локал тозалашдан сифатсиз ўтказилиб, каналга оқизилаётган бўлиши мумкин", дейди шу ерлик аҳоли вакиллари.

– Салар тозалаш иншоотида сув узоғи икки ёки икки ярим соат ушланиб турилади, – дейди "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ бош муҳандиси Абдуқодир Алимов. – Ундан кейин сув тозаланиб чиқиб кетади. Буни ўчириб ёқишнинг иложи йўқ. Кечаси-ю кундузи шу система бўйича ишлаймиз. Аввал темир панжаралар орқали сувдаги чиқиндиларни йиғамиз, сўнгра био-кимёвий усуллар билан сувни тозалаб чиқариб юборамиз. Аслида каналдан келаётган ҳидга ҳудуддаги тадбиркорлар ҳам таъсир этяпти. Улар харажатдан қочиб, чиқиндиларни шундоққина каналга оқизишади.

Бу каби "чиқишлар" натижасида яқинда ҳукумат қарори лойиҳаси билан Сергели туманида ёқимсиз ҳид тарқалишига сабабчи бўлган корхоналарнинг локал тозалаш иншоотларида реконструкция қилиш ҳамда бешта чарм саноат корхонасини Тошкентдан ташқарига кўчириш режалаштирилди. Аммо бу ерда масаланинг бошқа томони ечимсиз қолди. Яъни каналнинг техник имкониятлари ва сифати. Айни Янги Чоштепа маҳалласи қисмидан ўтувчи Салар каналининг ўзанлари жуда аянчли аҳволда. Метро линиясининг юқориси ва канал бўйига шахсан келиб кўрдим. Сувнинг ранги қоп-қора, канал ўзанлари ташландиқ зовурга ўхшаб қолган. Қурилиш корхоналари бу "манзара"ни ёпиш учун турли тунука тўсиқлардан унумли фойдаланишган. Аммо эртага ҳудудда кўп қаватли уйлар қуриб битирилгач, Салар каналининг хунук кўриниши мавжуд қурилишларнинг кўркига ҳам салбий таъсир этиши табиий.

Бу борада дунё тажрибаси ҳам айни шу тартибда ишлайди. Тозалаш-оқава каналларининг сифати даставвал эпақага келтирилади. Канал ўзанларининг сифатли цемент қотишмаларидан мустаҳкам қилиб қурилиши ва ора-сира чиқиндиларни йиғиб қолувчи панжараларнинг ўрнатилгани билан ёқимсиз ҳидларнинг олди олиниши мумкин. Масалан, салар тозалаш каналининг эски ўзанига кўп йиллик бадбўй, расво сувнинг нами чуқур сингиган. Демак, канал суви тозаланса ҳам бу муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Яхшиси, пойтахтдаги тозалаш, оқава каналларнинг ўзан сифатини ҳам жиддий ўйлаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бир пайтлар Салар канали атрофи аҳоли сийрак жойлашган ҳудуд эди. Энди эса вазият бутунлай ўзгарди. Табиий ёки иммиграцион таъсир остида аҳоли сони кўпайиб, икки ярим минг йиллик тарихга эга Чоштепа замонавий шаҳарчага айланди. Бу шаҳарчанинг кўркини бузаётган таъсирлардан бири, Салар каналининг сифатсиз ўзанидир. Ўйлаймизки, яқин орада бу муаммога ечим топилади.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бош инспектори **Бахтияр Икрамов,**

Бухоро вилояти, Когон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Нозим Жумаев,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош ҳисобчиси **Динара Файзулина,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кадрлар бўйича бош инспектори **Асқарали Акулов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси девонхона ва ижро интизоми бўйича мутахассиси **Феруза Юсупова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Азамат Уразымбетов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Узакбай Исмаилов,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Ойбек Очилов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Қодир Абдуллаев,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳар ва туманлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Искандарбек Рашидов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Бахтиёр Камбаров,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Сардор Абдувоситов,** Бекобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Музаффар Абдуллаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-643.
2532 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.
ЎзА якуни – 22.20. Топширилди – 23.00. 1 2 3 4 5 6